



**ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНИНИНГ ВА
ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ТАЛҚИНИ.**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10884637>

Ибадова Рухсора Мавлоновна

Судьялар олий мактаби фуқаролик ҳуқуқи йўналиши тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада васийлик ва ҳомийлик тушунчаси, ҳуқуқий тавсифи, ҳуқуқ тизимидаги аҳамияти, қонунчиликдаги талқини, ушбу соҳада давлат сиёсатининг йўналишлари ислохатлардаги ўрни ёритилган.

Калит сўзлар

васийлик, ҳомийлик, ижтимоий ҳимоя, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган, вояга етмаган чин етим, ярим етим

Юртимиз мустақиллика эришган даврдан бошлаб, инсон унинг кадр қиммати ва ҳимояси ҳар доим эътибору эъзозда, унинг ҳақ-ҳуқуқи ва ижтимоий ҳимояси энг олий кадрият эканлиги сиёсатимизнинг энг асосий йўналишларидан биридир.

Жамиятда инсонлар ҳар хил, улар бир- биридан қайсидир жиҳати билан фарқланиши мумкин. Бу фарқ қандай? Албатта, инсон туғилиб камол топар экан, қайсидир сабабларга кўра соғлигини йўқотади, касал бўлиб қолади, ташқи таъсирларга лаёқати чекланиб қолади, ота-онасидан айрилади, қаровсиз қолади, ёлғиз қолади ва ҳоказо... Шундай дамда бу тоифа вакиллари кимнингдир ёрдами ва кўмагига эҳтиёж сезади. Шу каби ҳолатларда давлатимиз бундай инсонларга васийлик ва ҳомийлик органлари орқали ғамхўрлик ва кўмак кўлини чўзади. Демак, васийлик ва ҳомийлик органлари албатта ижтимоий ҳимояга ота-онасидан айрилган вояга етмаган (қаровсиз қолган ярим етим, чин етим) болаларга, қайсидир сабабларга кўра руҳиятида ўзгариш бўлган шунингдек, кўмакка муҳтож инсонларга хизмат қиладиган тузилма ёинки давлат идораси. Бу идоранинг фаолияти нималардан иборату аслида унинг вазифалари қандай?

Ўзбекистон Республкаси Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат.14-моддада шундай деб ёзилган Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади.



Шунингдек 57 моддасида Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди.

Ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши эканлиги бош қомусимиз Конституциямиз 1-моддасидаёқ буни ифодалагани бежизга эмас. Зотан, ижтимоий ҳимоя бор давлатда адолат, ҳақиқат устувор бўлади. Ижтимоий ҳимоянинг энг асосий негизини васийлик ва ҳомийлик органлари ташкил этади десак хато бўлмас. Васийлик ва ҳомийлик органи тушунчаси, вазифалари функциялари ва унинг фаолият йўналишлари ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонун ва “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида” ги низом асосида тартибга солинади

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 32-моддасида кўрсатиб ўтилганидек Васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларни тарбиялаш мақсадида ҳам белгиланади. Васийлар ва ҳомийларнинг бунга тегишли ҳуқуқ ва бурчлари қонунчилик билан белгиланади.

Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатсиз ҳимоя қиладилар.

Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари бўлмаган, ота-онаси суд томонидан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган тақдирда, шунингдек бундай фуқаролар бошқа сабабларга кўра ота-она ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолган, хусусан, ота-она уларни тарбиялашдан ёхуд уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 173-моддасида кўрсатиб ўтилганидек Васийлик – 14 ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг



қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣй ва шахсий номулкӣй ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланади. Ҳомийлик – 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣй ва шахсий номулкӣй ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣй шакли. Соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар – алоҳида ғамхўрликка, шунингдек ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож бўлган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота-онаси бўлган ҳамда болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғдираётган ёки уларнинг таъминоти, тарбия ва таълим олишига доир талабларга жавоб бермайдиган шароитда яшаётган болалар, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаролар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролар.

Ўзбекистон Республикаси “ Васийлик ва Ҳомийлик тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасида кўрсатиб ўтилганидек Васийлик ва ҳомийлик қуйидагича белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васийлик ёки ҳомийлик васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг яшаш жойи бўйича, агар шахс муайян яшаш жойига эга бўлмаса, васийнинг ёки ҳомийнинг яшаш жойи бўйича белгиланади.

Қонуннинг 21-моддасида. эса васий ёки ҳомий тайинлаш тартиби кўрсатиб ўтилган

Васийлик ёки ҳомийлик бўйича мажбуриятларни бажариш учун туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан васий ёки ҳомий тайинланади.

Вояга етган фуқаролар фақат ўз розилигига кўра васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин.

Туман, шаҳар ҳокими васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг ёзма аризасига мувофиқ васий ёки ҳомий тайинлайди.



Васий ёки ҳомий тайинлашда унинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатлари, мажбуриятларни бажариш қобилияти, васий, ҳомий ва васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс ўртасидаги муносабатлар, васий ёки ҳомий оиласининг васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга муносабати, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг истаги инобатга олиниши лозим.

Васийлик ёки ҳомийлик белгилаш зарурлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай васий ёки ҳомий тайинланиши керак.

Агар васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахсга бир ой ичида васий ёки ҳомий тайинланмаган бўлса, васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажариш васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахс аниқланган жойдаги тегишли васийлик ва ҳомийлик органининг зиммасига вақтинча юклатилади.

Ота-онаси бўлган вояга етмаганларга нисбатан тегишли васийлик ва ҳомийлик органи уларнинг ота-онаси ёки қариндошлари қарамоғида бўлмаганлиги факти аниқланган кундан эътиборан васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажаради.

Васийлик ва ҳомийлик органи васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги маълумотларни олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига, шунингдек соғлиқни сақлаш муассасаларига ёзма сўров юборади. Бунда васийлик ва ҳомийлик органи фуқаро тўғрисидаги фақат васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажариш қобилиятини аниқлаш имконини берадиган ахборот тақдим этилишини талаб қилади.

Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан олинган маълумотлар махфий бўлиб, ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Яшаш жойидан қатъи назар, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахснинг қариндошлари, у яшаётган оиланинг шахслари, ака-укаларни ва опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини узмасдан васийликка ёки ҳомийликка олаётган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари васий ёки ҳомий этиб тайинланишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

Васий ва ҳомий тайинлаш [тартиби](#) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади

“Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида” ги низомнинг 4-моддасида васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган бўлиб:



Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахсларнинг ўз вақтида аниқланиши, ҳисобга олиниши ва жойлаштирилишини таъминлаш;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонунчилик ижросини таъминлаш;

болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахслар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат ноғижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Васийлик ва ҳомийлик институти кундан кунга такомиллашиб браётгани соҳани ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда Президентимиз Ш.Мирозиевнинг 01.06.2023 йилдаги 82-сонли билан “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан васийлик ва ҳомийлик тизимини такомиллаштириш, шу жумладан оилага асосланган болаларни парвариш қилишнинг муқобил шакллари ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги тасарруфидаги васийлик ва ҳомийлик органи 2024 йилнинг 1 январидан бошлаб янгидан ташкил этилган тузилма “Инсон ижтимоий хизматлари маркази” га кўчирилиб ўз фаолиятини давом эттириши Янги Ўзбекистон ислохотларининг манتيкий давомдир. Ушбу соҳани янада қўллаб қувватлаш давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бири бўлиб соҳани янада такомиллаштириш ижтимоий ҳимоя, ғамхўрлик кучайтирилгани бежизга эмас албатта. Васийлик ва ҳомийлик органи бор экан ҳеч қандай бола ёки ёрдамга мухтож инсоннинг эрки иродаси ҳақ ҳуқуқи назардан четда қолмайди. Улар ҳамма катори тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, барча имкониятлардан тўла фойдаланадилар. Зеро давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ижтимоий адолат эканлиги бежизга эмас

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 2023 й



2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси Тошкент 2023 й

3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси Тошкент 2022 й

4. "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида" ги қонун Тошкент 2014 й

5. "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида" ги низом Тошкент 2014

6. Президентимиз Ш.Мирозиёевнинг 01.06.2023 йилдаги 82-сонли "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармони Тошкент -2023 й

7. И. Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. Тошкент. 2009 йил

8. Х. Р. Раҳмонқулов, О. О. Оқюлов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. Тошкент. 2010 йил